

Узун туманидаги Янги рўзғор маҳалласи ва Файзова маҳалласи ҳудудий чегарасини ўзгартириш ва янги маҳаллаларни ташкил этиш тўғрисида



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ УЗУН ТУМАНИ КЕНГАШИ ҚАРОРИ

Узун тумани, ўзбекистон кўчаси 7-уй. тел.. (+99876) 44-73-545, uzun.t@exat.uz

2022 йил 9 июнь
К/22

ВИ-44-77-8-118-
Узун тумани

Узун туманидаги Янги рўзғор маҳалласи ва Файзова маҳалласи ҳудудий чегарасини ўзгартириш ва янги маҳаллаларни ташкил этиш тўғрисида;

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 4-мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 48-сон қарори, Узун туман ҳокими ва Узун туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳудудий чегарасини ўзгартириш ва янги маҳаллаларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига асосан халқ депутатлари Узун туман кенгаши, **қарор қилади:**

1. Узун туманидаги Янги рўзғор маҳалласи ва Файзова маҳалласи ҳудудий чегарасини ўзгартириш ва янги маҳаллаларни ташкил этиш тўғрисидаги Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман

комиссиясининг 2022-йил 1-февралдаги 13-01/6-сонли баёни, Узун туман ҳокими ва Янги рўзғор ҳамда Файзова маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган таклифлар маъқуллансин.

2. Узун туманидаги Янги рўзғор маҳалласи ва Файзова маҳалласи ҳудудий чегарасини қайта кўриб чиқиш ҳисобига янги ташкил этилаётган маҳаллалар рўйхати ҳамда уларнинг номлари 1-иловага, янги ташкил этилаётган маҳаллалар чегаралари ва тавсифи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари сони 51 та деб юритилсин.

4.Туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (Д.Сафарова), Узун туман ҳокимлиги:

Янги ташкил этилган маҳаллаларнинг тўлиқ шаклланиши ва фаолияти учун зарур шарт-шароитлар ярацин;

Ҳудудларга ўзгартириш киритилган маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилсин.

5. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Ҳасанов), туман молия бўлими (Б.Баратов) янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун зарур маблағларни маҳаллий бюджетдан белгиланган тартибда ажратиш чораларини кўрсин.

6.Туман ички ишлар бўлими (М.Ишкараев) янги ташкил этилаётган маҳалларда яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига, мазкур ҳудудда келтирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

7.Туман статистика бўлими (Ш.Холназаров), туман (шаҳар), туман қурилиш бўлими (Б.Абдуллаев) туман ҳокимлиги билан биргаликда янги ташкил этилаётган маҳаллаларни, давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсин

8. “Боботоғ тонги” газетаси таҳририяти (И.Бобокалонов), туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби (А.Қурбонов) мазкур қарор расми еълон қилинишини таъминласин.

9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан сўнг кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси раиси С.Ташанов ва Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Д.Сафарова зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси

Б.Турсунов.

Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг

2022-йил 9-июндаги

ВИ-44-77-8-118-К/22-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Узун туманидаги Янги рўзғор маҳалласи ва Файзова маҳалласининг
ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига янги ташкил
этилаётган маҳаллалар рўйхати ва уларнинг номлари**

Т/р	Бўлинадиган маҳалланинг номи	Бўлиш ҳисобига янги ташкил этилган маҳаллалар номи	Жойлашган сестор ҳудуди
1.	Янги рўзғор маҳалласи	Янги рўзғор маҳалласи	2-сектор
		“Иттифоқ” маҳалласи	4-сектор
2	Файзова маҳалласи	Файзова маҳалласи	3-сектор

“Сурхон” маҳалласи

Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг

2022-йил 9-июндаги

ВИ-44-77-8-118-К/22-сон қарорига
2-ИЛОВА

Янги ташкил этилаётган маҳаллалар чегаралари ва тавсифи

Иттифоқ маҳалласи

Маркази: _____

Аҳоли: ____та

Оила: ____та

Чегараси:

...

Сурхон маҳалласи

Маркази: _____

Аҳоли: ____та

Оила: ____та

Чегараси:

...